

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

3-сон  
(1127)  
2024 йил  
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

20. «Йўл ҳаракати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги ЎРҚ–900-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

21. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони
22. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги ПФ–15-сон Фармони

23. «Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПК–22-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

24. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 15-yanvardagi 3-mh-son “Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 15-yanvar ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2547-6*)
25. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2023 йил 28 декабрдаги 82-2023/Б-сон «Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қондаларининг 218-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-6*)
26. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил 21 декабрдаги 343-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия-сининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бў-линмаларига иш (хизмат)га қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом-ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3491*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## 20 Йўл ҳаракати тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
31 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 27 октябрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади йўл ҳаракати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик

Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Йўл тушунчаси

Транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатланиши учун жиҳозланган, мослаштирилган ҳамда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган йўл объектлари мажмуасини жойлаштириш учун ажратилган ер участкалари ҳамда ер участкалари устидаги бўшлиқ йўлдир.

Йўллар умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига (бундан буён матнда умумий фойдаланишдаги йўллар деб юритилади), туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларига, хўжалик йўлларига, шаҳар электр транспорти йўлларига, велосипед ва пиёдалар йўлкаларига ажратилади.

Қишлоқ жойлардан ўтадиган ва хўжаликларни ўзаро боғлайдиган йўллар хўжаликлараро қишлоқ йўлларидир.

##### 4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 январда эълон қилинган.

**йўл объектлари** — йўлнинг конструктив элементлари бўлган йўл сунъий иншоотлари (кўприклар, йўл ўтказгичлар, осма кўприклар, қувурлар, туннеллар ва бошқа муҳандислик иншоотлари), химоя қилиш иншоотлари (йўлларни қор кўчкларидан, ер чўкишидан, ер кўчкларидан химоя қилиш қурилмалари ва бошқа қурилмалар), шунингдек йўлларни жиҳозлаш элементлари (тўхташ майдончалари, йўловчилар учун павильонлар, дам олиш майдончалари, транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари ва бошқалар);

**йўл эгаси** — йўл қайси корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ёки жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша корхоналар, муассасалар ташкилотлар ёки жисмоний шахслар;

**йўл ҳаракати** — йўл ҳаракатини ташкил этишда йўллар доирасида транспорт воситалари ва йўл ҳаракати иштирокчилари иштирокида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи;

**йўл ҳаракати иштирокчиси** — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

**йўл ҳаракати мониторинги** — йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари ҳолати ҳақидаги ахборотни ҳисобга олиш, умумлаштириш, унга ишлов бериш ва уни таҳлил қилиш;

**йўл ҳаракатини ташкил этиш** — йўл ҳаракатини бошқариш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техник тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

**йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити** — ташкилотларнинг йўлларни лойиҳалаштириш (лойиҳалаш ташкилотидан мустақил равишда), қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш чоғидаги фаолияти натижаларининг йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича норматив-техник ҳужжатларнинг амалдаги талабларига мувофиқлигини текшириш;

**йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари** — йўл ҳаракатини ташкил этиш учун мўлжалланган қурилмалар ва иншоотлар (йўл белгилари, ҳаракатланиш полосалари, светофорлар, милтиллолчи маёқчалар, йўл чизиқлари, йўл устунлари, тўсиқлари, тезликни чекловчи қурилмалар, шлагбаумлар, хавфсизлик оролчалари, йўл ҳаракатини автоматик бошқариш тизимлари (воситалари), шунингдек бошқа қурилмалар ва иншоотлар);

**йўл ҳаракати хавфсизлиги** — йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан химояланганлик даражасини аке эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

**йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти** — йўлнинг муайян участкасидаги бир йўналишда транспорт воситалари ҳаракатланиши жадаллигининг энг юқори кўрсаткичи;

**йўл-транспорт ҳодисаси** — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида ва унинг иштирокида содир бўлган, фуқаролар вафот этган

ёки уларнинг соғлиғига зарар етказилган, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланган ёхуд бошқа моддий зарар етказилган ҳодиса;

**темир йўл кесишмаси** — йўлнинг темир йўллар билан бир сатҳда кесишган жойи;

**транспорт воситаси** — йўловчиларнинг, багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг ёки махсус ишларни амалга ошириш учун ускуналарнинг йўлларда ҳаракатланиши ёки ташилиши учун мўлжалланган қурилма;

**транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари** (бундан буён матнда тўхтаб туриш жойлари деб юритилади) — транспорт воситаларини вақтинча ёки доимий сақлаш учун мўлжалланган, йўлнинг кенгайтирилиб қатнов қисмидан ажратилган участкаси, бино, иншоот (уларнинг бир қисми), махсус очиқ майдонча;

**ҳайдовчи** — транспорт воситасини бошқарувчи шахс. Транспорт воситасини бошқариш ўргатилаётганда ўргатувчи шахс ҳайдовчи деб ҳисобланади.

### **5-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги асосий принциплар**

Йўл ҳаракати соҳасидаги асосий принциплар куйидагилардан иборат:

қонунийлик;

тизимлилик;

илмийлик;

очиқлик ва ошкоралик;

фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишининг устуворлиги;

экологик хавфсизликнинг ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг устуворлиги;

маҳаллий аҳоли ва йўл ҳаракати иштирокчилари фикрининг инobatга олиниши.

### **2-боб. Йўл ҳаракати соҳасини тартибга солиш**

#### **6-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқаруви**

Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари) жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари (бундан буён матнда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати деб юритилади), Ўз-

бекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитаси йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органлари деб юритилади) жумласига киради.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

йўл ҳаракати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва қабул қилади;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг йўл ҳаракати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

йўл ҳаракати соҳаси билан боғлиқ мутахассисликлар, касблар ва лавозимлар рўйхатини, шунингдек уларга доир малака талабларини белгилайди;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди;

транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолатига, йўлларда ва темир йўллар кесишмаларида йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ягона талабларни белгилайди;

транспорт воситаларининг хайдовчиларини тайёрлашга, шунингдек аҳолига Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилайди;

хайдовчиларни, транспорт воситаларини, Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишларини, йўл-транспорт ҳодисаларини ва йўл ҳаракати соҳасидаги бошқа маълумотларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

йўл ҳаракати соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

хўжаликлараро қишлоқ йўлларида, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида йўл ҳаракати мониторингини ташкил этади ҳамда амалга оширади;

хўжаликлараро қишлоқ йўлларида, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида жойлашган тўхтаб туриш жойларининг, шу жумладан пулли тўхтаб туриш жойларининг реестрини юритади;

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишувга кўра, хўжаликлараро қишлоқ йўлларида, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари ўрнатилишини, алмаштирилишини, олиб ташланишини ва уларга техник хизмат кўрсатилишини амалга оширади;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари жойлашувини юрилади ҳамда уларнинг жойлашувга мувофиқлиги ва техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади;

йўл ҳаракати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

йўлларга туташ бўлган ҳудудларда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси объектларини ташкил этади ва ривожлантиради;

йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

хўжаликлараро қишлоқ йўлларининг, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг, шаҳар электр транспорти йўлларининг, шунингдек йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларининг жиҳозланишини ва соз ҳолатда сақланишини таъминлайди;

йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикаси бўйича чоралар кўради, аҳоли ўртасида Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиши бўйича тарғиботни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **9-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар:

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

йўл ҳаракати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади;

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади ҳамда уларни ўтказишга доир услубий тавсияларни тасдиқлайди;

умумий фойдаланишдаги йўлларда йўл ҳаракати мониторингини ташкил этади ва амалга оширади;

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишувга кўра, умумий фойдаланишдаги йўлларда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш лойиҳаларини тайёрлайди, ушбу воситаларни ўрнатиш, алмаштириш, олиб ташлашни ва уларга техник хизмат кўрсатишни амалга оширади;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари жойлашувини юри-тади ҳамда уларнинг жойлашувга мувофиқлиги ва техник ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

йўлларнинг ҳаракат учун хавfli участкаларини аниқлайди ва бундай участкаларда йўл ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича чо-ралар кўради;

йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудитини ўтказиши;

йўл ҳаракатини ташкил этишда, йўллардан фойдаланишда, шунингдек йўл ҳаракати иштирокчиларига логистикани ташкил этиш ва хизматлар кўр-сатиш чоғида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

йўл ҳаракати соҳасида банд бўлган мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малақасини оширишни амалга оширади;

умумий фойдаланишдаги йўллар бўйида жойлашган тўхтаб туриш жойла-рининг, шу жумладан пулли тўхтаб туриш жойларининг реестрини юри-тади;

оғир вазнли, йирик габаритли, хавfli ва махсус юкларни ташувчи транс-порт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишларини белгилайди, шунингдек йўл-хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштиришни келишади;

йўлларни, темир йўллар кесишмаларини, шунингдек автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини ҳамда йўл бўйи ҳудудларида жойлашган бош-қа хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ка-питал таъмирлаш лойиҳаларини йўл ҳаракатини ташкил этишга оид қисм бўйича кўриб чиқади ва келишади;

қурилиши (реконструкция қилиниши) ва капитал таъмирланиши тугал-ланган йўл объектларини, темир йўллар кесишмаларини фойдаланишга қа-бул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

темир йўллар кесишмаларидан фойдаланиш, уларнинг очилиши ва ёпи-лиши тартибини белгилайди;

экстремал иқлим шароитларида, хусусан, ҳаво ҳарорати кўтарилиб кет-ган шароитларда йўлларнинг ва йўл сунъий иншоотларининг техник ҳолати-ни сақлаш мақсадида сутканинг муайян вақтида N2, N3 ва M3 тоифасидаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишини белгиланган тартибда чеклайди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оши-риши мумкин.

### **10-модда. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари**

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати:

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

йўл ҳаракати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади;

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

оғир вазнли, йирик габаритли, хавfli ва махсус юкларни ташувчи



транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишларини белгилашда иштирок этади;

йўлларни, темир йўллар кесишмаларини, шунингдек автомобилларга ёқилғи қўйиш станцияларини ва йўллар бўйлаб ҳамда йўл бўйи ҳудудларида жойлашган бошқа иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш лойиҳаларини йўл ҳаракатини ташкил этишга оид қисм бўйича кўриб чиқади ва келишади;

қурилиши (реконструкция қилиниши) ва капитал таъмирланиши тугалланган йўл объектларини, темир йўллар кесишмаларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади, транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказади (бундан жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифасидаги транспорт воситалари мустасно);

йўл ҳаракатининг мониторингини ташкил этади ва амалга оширади;

йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларининг техник ҳолати, шунингдек йўлларнинг ва темир йўллар кесишмаларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширади;

йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўллардан ва темир йўллар кесишмаларидан фойдаланишни белгиланган тартибда тақиқлайди;

йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш ёки олиб ташлаш юзасидан йўл эгаларига кўрсатмалар киритади, уларни бажариш муддатлари ва сифати устидан назоратни амалга оширади;

йўлда (йўлнинг участкасида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ чеклайди ёки тақиқлайди;

йўл ҳаракати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

йўлларда ва йўл бўйи ҳудудларида ишларни амалга ошириш бўйича тегишли ташкилотлар билан келишилган таклифларни кўриб чиқади;

ўз ваколатлари доирасида давлат органларига ёки бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишга доир фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш ҳақида, бирон-бир йўл участкасида ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи, Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига имкон берувчи вазият юзага келганда камчиликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади, мазкур ёзма тақдимномаларни бажариш чоралари кўрилмаган тақдирда маъмурий жазолар қўллаб берилади;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари лойиҳалаштирилишини, ўрнатилишини (монтаж қилинишини), алмаштирилишини, олиб ташланишини ташкил этади, бу ишларнинг бажарилишини назорат қилади;

Тошкент ва Нукус шаҳарларининг, вилоят, туман (шаҳар) марказлари-

нинг кўчаларида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатишни (монтаж қилишни), алмаштиришни, олиб ташлашни ҳамда уларга техник хизматлар кўрсатишни амалга оширади;

Тошкент ва Нукус шаҳарларининг, вилоят, туман (шаҳар) марказларининг кўчаларида йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларининг жойлашувини юритади ва уларнинг жойлашувга мувофиқлиги ҳамда техник ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

транспорт воситаларининг, Йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини юритади ва уларнинг рўйхатга олинишини амалга оширади;

миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини, автомобилотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни ҳамда автомобилотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини беради;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **11-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати:

махсус ваколатли давлат органларига кўриқланадиган шахслар турган объектлар атрофида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва захира) бўйлаб йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар атрофида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва захира) бўйлаб режалаштирилаётган ҳар қандай турдаги ишларни бажаришга доир таклифларни кўриб чиқади;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар атрофида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва захира) бўйлаб жойлашган ер ости коммуникация тармоқларини, темир йўллар кесишмаларини, автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини, йўл объектларини таъмирлаш, қуриш, реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқади ва келишади;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар ва уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва захира) бўйлаб жойлашган, қурилиши режалаштирилган объектларга олиб борувчи алоҳида йўлларни очиш ёки ёпиш тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киритадиган таклифларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан ўрганилганидан кейин келишади;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар атрофида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва захира) бўйлаб йўл ҳа-

ракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш (монтаж қилиш), алмаштириш ва олиб ташлаш бўйича таклифларни кўриб чиқади;

қўриқланадиган шахслар турган объектлар ҳудудида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишларида (доимий, мунтазам ва захира) йўл ҳаракатини ташкил этиш ҳамда йўл ҳаракати устидан навбатдан ташқари назорат олиб бориш юзасидан махсус ваколатли давлат органларига топшириқлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси:

божхона постлари ҳудудларида йўл ҳаракатини ташкил этади;

божхона постлари ҳудудларини йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари билан таъминлайди;

чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва ҳайдовчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Йўл ҳаракати қоидаларини бузган транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетаётган ҳайдовчилардан ёки бошқа шахслардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун тайинланган жарималар ундирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга оширишда, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикасида иштирок этади;

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликни, йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқишда қонунчиликда назарда тутилган тартибда иштирок этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**14-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари жалб этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади.

**15-модда. Йўл эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Йўл эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

йўлларни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини келишиб олиш ва тасдиқлашда, шунингдек таъмирлаш ишларини ташкил этишда иштирок этиш;

экстремал иқлим шароитларида, хусусан, ҳаво харорати кўтарилиб кетган шароитларда йўлларнинг ва йўл сунъий иншоотларининг техник ҳолатини сақлаб туриш мақсадида сутканинг муайян вақтида N2, N3 ва M3 тоифасидаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш тўғрисида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига таклифлар киришти.

Йўл эгаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Йўл эгаси:

йўлларда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари ўрнатилишини (монтаж қилинишини), алмаштирилишини, олиб ташланишини, уларга техник хизмат кўрсатилишини ва улар ўз вақтида таъмирланишини таъминлаши;

йўл ҳаракатини ташкил этиш учун хавф туғдираётган кўп йиллик дов-дарахтлар, уларнинг шохлари, буталар, қонунга хилоф қурилмалар, шунингдек материаллар ва чиқиндилар йўлнинг қатнов қисмидан олиб ташланишини таъминлаши, бунда дарахтларни ва буталарни кесиб ташлашни табиат ресурслари органлари билан келишган ҳолда амалга ошириши;

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ёки йўл ҳаракати иштирокчилари учун хавф туғдирадиган жойларда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг огоҳлантирувчи, шунингдек йўналтирувчи техник воситаларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишувга кўра ўрнатиши;

ушбу Қонун 23-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, транспорт воситаларининг йўлларда (йўллар участкаларида) ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш чораларини кўриши;

йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаши, шунингдек транспорт воситасига чиқиш ва тушишда жамоат транспорти йўловчилари учун шарт-шароитлар яратиши;

йўл ҳаракати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши;

йўл ҳаракатини ташкил этишдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни йўл ҳаракати иштирокчиларига оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда камида бир сутка олдин етказиши;

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига йўлларнинг ҳолати тўғрисида, уларга хизмат кўрсатилиши, уларнинг ёпилиши ва очилиши ҳақида, йўлларда белгиланган чекловлар ва тақиқлар тўғрисида ахборот тақдим этиши;

экстремал иқлим шароитларида, йўлнинг қатнов қисмида яхмалак ҳосил бўлганда ва фавқулодда вазиятлар рўй берганда йўл ҳаракатини ташкил этишдаги ўзгаришлар ҳақидаги ахборотни дарҳол махсус ваколатли давлат органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юбориши, шунингдек бу ҳақда йўл ҳаракати иштирокчиларини хабардор қилиши шарт.

Йўл эгасининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **3-боб. Йўл ҳаракатини ташкил этиш ва мониторинг қилиш**

#### **16-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир умумий талаблар**

Йўл ҳаракатини ташкил этиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб берадиган техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида йўл ҳаракатини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ягона тартиб асосида амалга оширилади.

Йўлларда транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракати белгиланади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **17-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирлар**

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирлар жумласига қуйидагилар киради:

транспорт оқимларининг ҳаракатланиш полосалари бўйича тақсимланишини бошқариш, шу жумладан транспорт оқимларининг ҳаракатланишини транспорт воситаларининг тоифаларига, ҳаракат тезлигига ва йўналишига, уларнинг ҳаракатланиш вақтига қараб гуруҳларга бўлиш;

йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, шу жумладан транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи тўсиқлар ва шароитларни бартараф этиш, чорраҳаларни реконструкция қилиш, йўл ўтказгичларни қуриш;

светофор объектларини тизимли бошқариш, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш цикллари мақбуллаштириш;

йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда белгиланган ҳу-

дудлар чегараларида светофор объектлари кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлигини белгилаш;

пиёдалар ва велосипедчилар ҳаракатини таъминлаш, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойларини ва велосипедчилар йўлакларини белгилаш, қуриш, жиҳозлаш ҳамда тартибга солиш мақсадида йўл инфратузилмасини ривожлантириш;

йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун устуворликни жорий этиш;

йўлдан ташқарида тўхтаб туриш жойларини ривожлантириш;

транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш.

Транспорт воситаларининг йўлларда тақсимланишини бошқаришда йўлларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва таъмирлаш бўйича тадбирлар, шунингдек йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган капитал қурилишнинг бошқа турлари ҳисобга олиниши керак.

Миллий стандартлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирлар махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бевосита ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини қонунчиликда белгиланган тартибда жалб этган ҳолда амалга оширилади.

### **18-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичлари**

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичларидан махсус маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ваколатли давлат органлари томонидан йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатишда, йўл ҳаракатининг мониторингини амалга оширишда, йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятини аниқлашда, транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклашда ёки тақиқлашда фойдаланилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

йўл ҳаракатини тавсифловчи кўрсаткичлар — йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти, ҳаракатнинг жадаллиги, транспорт оқимининг таркиби, транспорт воситалари ҳаракатланишининг ўртача тезлиги, йўлнинг бир километрида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг ўртача сони (ҳаракат зичлиги);

йўлнинг транспорт-эксплуатация кўрсаткичлари — ҳаракатланишнинг белгиланган тезлик билан таъминланганлиги, йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти, йўлнинг ҳаракатланиш билан юкланганлик даражаси, ҳаракатнинг узлуксизлиги ва қулайлиги, йўлнинг тоифасига қараб транспорт воситаларининг ўқларига тушадиган оғирликка ва юк кўтариш қобилиятига кўра ўтказиш қуввати ёки умумий юк кўтариш ҳажми;

йўлнинг геометрик ва физик кўрсаткичлари — қатнов қисмининг ҳамда йўл ёқаси мустаҳкамланган қисмининг кенглиги, бўйлама қияликларнинг

катталиги, тик ва ётиқ эгриликлар радиуслари, бурилишларнинг йўл тупроқ кўтармаси ёнбағирларининг нишаблиги, кўринувчанлик масофалари, кўприклар, йўл ўтказгичларининг ҳамда бошқа йўл сунъий иншоотларининг ўлчамлари, юк кўтариш қуввати, муҳандислик иншоотларининг ва йўл элементларининг ҳолати, қатнов қисмининг ҳамда йўл бўйидаги қопламаларнинг кенглиги, йўл тупроқ кўтармасининг мустаҳкамлиги, ўзгарувчанлиги, ёпишувчанлиги ҳамда ҳолати, гидроизоляция тизимининг ҳолати ва яроқлилиги;

Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракат давомида вақт йўқотишини (кечикишини) тавсифловчи кўрсаткичлар, тирбанд жойлар сони;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар — содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг, йўл транспорт ҳодисалари оқибатида баданига шикаст етказилган ва ҳалок бўлган шахсларнинг, авария ўчоқларининг, шунингдек Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сони.

### **19-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари**

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари давлат стандартлари талабларига мувофиқ қўлланилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларига доир талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

### **20-модда. Ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари)**

Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга монелик қилувчи ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

### **21-модда. Йўлнинг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган участкаларида йўл ҳаракатини ташкил этиш**

Йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишлар бажарилаётганда йўлнинг мазкур участкаларидаги қатнов қисмининг кўпи билан эллик фоизи ўтиш учун чекланиши ёки ёпилиши мумкин.

Йўл участкаларида қатнов қисмининг эллик фоизидан кўпрогини ёпиш зарур бўлган тақдирда мазкур йўл участкаларини айланиб ўтиш таъминланиши керак.

Йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишлар бошланишидан ёхуд йўл участкаларида бошқа ишлар амалга оширилишидан уч кун олдин ва ушбу ишларни бажариш даврида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг зарур техник воситалари ўрнатилади.

Йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишларни бажариш тўғрисидаги ёхуд йўл участкаларида бошқа ишларни амалга ошириш ҳақидаги ахборот оммавий ахборот воситаларига олдиндан жойлаштирилади.

Йўл участкасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишларни бажариш чоғида ушбу ишларни бажаришга доир шартномаларда белгиланмаган тўсиқларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

### **22-модда. Капитал қурилиш объектларида йўл ҳаракатини ташкил этиш тартиби**

Капитал қурилиш объектларида йўл ҳаракатини ташкил этишда шаҳар-созлик нормалари ва қоидаларида кўрсатилган йўл ҳаракатини ташкил этиш самарадорлигини таъминлаш талаблари ҳисобга олинади.

Капитал қурилиш объектларини йўл ҳаракатини ташкил этиш талабларини бузган ҳолда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

### **23-модда. Йўлларда (йўл участкаларида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш**

Йўлларда (йўл участкаларида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш тегишли ваколатли давлат органларининг ахборотига асосан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

йўл ҳаракати хавфсизлигига, шу жумладан фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид бўлганда;

экстремал иқлим шароитлари тўғрисида, табиий офатлар, авариялар, ёнғинлар, табиий ҳамда техноген хусусиятли бошқа фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи ҳақида белгиланган тартибда огоҳлантириш келиб тушганда;

экстремал иқлим шароитлари, табиий офатлар, авариялар, ёнғинлар, табиий ҳамда техноген хусусиятли бошқа фавқулодда вазиятлар рўй берганда; йўл-транспорт ҳодисалари содир этилганда;

қонунда назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирлари, шунингдек процессуал ҳаракатлар амалга оширилаётганда;

оммавий тадбирлар (спорт тадбирлари ва маданий тадбирлар, кино- ва фототасвирга олиш, оммавий сайрлар, ярмаркалар, оммавий юришлар ҳамда бошқа тадбирлар) ўтказилаётганда;

қўриқланадиган шахслар йўлда ҳаракатланаётганда.

Йўлларда (йўл участкаларида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Йўл эгалари томонидан жалб қилинадиган йўлларни таъмирлаш ва сақлаш бўйича ташкилотлар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек йўлнинг (йўл участкасининг) транспорт-эксплуатация сифати ёмонлашганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилаётганда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини бу ҳақда хабардор қилган, йўллардан фойдаланувчиларни оммавий ахборот



воситалари орқали эълон қилиб хабардор этган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг тегишли техник воситаларини ўрнатган ҳолда, транспорт воситаларининг ҳаракатланишини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бўлинмалари билан келишувга кўра чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Йўл эгалари йўллардаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни ажратилган минтақада ишлар олиб борилаётганда бундай ишларни олиб бориш транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳолларда ҳам чеклашга ёки тақиқлашга ҳақли.

Ишларни олиб бориш учун йўлларда ёки уларнинг айрим участкаларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш йўллар эгаларининг розилиги билан амалга оширилади.

Шошилинич, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, йўлларда (йўл участкаларида) ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш ишларни амалга ошириш учун олдиндан розилик олмасдан туриб, бироқ йўлларнинг эгаларини ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилган ҳолда жорий этилиши мумкин.

#### **24-модда. Тўхтаб туриш жойларига доир талаблар**

Кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларнинг белгиланган чегараларида тўхтаб туриш жойларини қуриш тўғрисидаги қарорлар ҳудудни режалаштириш бўйича тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинади. Бунда қурилиш ишлари шахарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларини жойлаштириш экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга, аҳолининг соғлиғи ва осойишталигига салбий таъсирни камайтириш ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларининг белгиланган мақсади ва имкониятлари (жойлар сони) шахарсозлик нормаларига ва қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Тўхтаб туриш жойларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш учун мазкур ҳудудда фойдаланувчиларга хизмат кўрсатилиши учун зарур бўлган транспорт воситаларининг сони, шунингдек уларнинг келгусида кўпайтирилиши инобатга олинади.

Тўхтаб туриш жойлари йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича ҳужжатларда кўрсатилган эҳтиёжга мос келадиган миқдорда ташкил қилинади.

Тўхтаб туриш жойларини рўйхатга олиш йўл эгаси томонидан амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларида тўхтаб туриш жойининг кириш ёки ундан чиқиш жойига туташ бўлган алоҳида жойлар ногиронлиги бўлган шахслар бошқарадиган ва ушбу шахсларни ташийдиган транспорт воситалари учун қонунчиликка мувофиқ мажбурий тартибда ажратилади.

Электр двигателда ишлайдиган транспорт воситалари учун алоҳида жойлар ажратилади. Бундай жойларда электр қувват манбаларига уланиш имконияти яратилиши мумкин.

Тўхтаб туриш жойларидан фойдаланишга монелик қиладиган тўсиқларни ва бошқа конструкцияларни ўрнатиш тақиқланади.

Тўхтаб туриш жойларига транспорт воситаларининг киришини, улардан чиқишини ва бу жойларда ҳаракатланишини ташкил этиш махсус ваколатли давлат органлари билан келишилган лойиҳага мувофиқ амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларидан фойдаланувчилар транспорт воситаларини жойлаштиришда тўхтаб туриш жойларининг эгалари томонидан белгиланган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши шарт. Умумий фойдаланишдаги тўхтаб туриш жойларининг эгалари тўхтаб туриш жойларидан фойдаланиш қоидаларини ҳамма учун қулай бўлган жойларга танишиб чиқиш учун жойлаштириши шарт.

Тўхтаб туриш жойларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат мазкур тўхтаб туриш жойларининг эгалари томонидан амалга оширилади.

Ушбу моддада белгиланган, тўхтаб туриш жойларига доир талабларга риоя этилиши устидан назорат махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

### **25-модда. Пулли тўхтаб туриш жойларига доир талаблар. Пулли тўхтаб туриш жойлари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун тўлов миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган чекланган миқдорлардан юқори бўлмаган тарифлар бўйича мустақил равишда белгилайди.

Пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун тўлов нақд пул шаклида ёки нақд пулсиз шаклда, тўлов тизимларидан, шу жумладан автоматлаштирилган тўлов тизимларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Пулли тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш чоғида ушбу Қонуннинг 24-моддасида белгиланган талаблар бажарилади.

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
пулли тўхтаб туриш жойларидан бепул ёки имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи бериладиган фойдаланувчиларнинг рўйхатини белгилаш;

пулли тўхтаб туриш жойларидан бепул ёки имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи бериладиган транспорт воситаларининг рўйхатини белгилаш.

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари:

пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиши;

пулли тўхтаб туриш жойлари ташкил этилган ҳудудда йўл белгилари ўрнатилишини, шунингдек видеокузатув тизимлари ёки қўриқлашнинг бошқа техник воситалари ўрнатилиши ва узлуксиз ишлашини таъминлаши;

тўхтаб туриш жойининг кириш ёки ундан чиқиш жойига туташ бўлган тўхтаб туриш жойлари орасидан ногиронлиги бўлган шахслар бошқарадиган

ёки уларни ташийдиган транспорт воситалари учун тўхтаб туриш жойлари ажратилишини таъминлаши шарт.

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

### **26-модда. Йўл ҳаракати мониторинги**

Йўл ҳаракати мониторинги махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати мониторингини амалга ошириш мақсадида махсус ваколатли давлат органларида алоҳида бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

### **4-боб. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатлар**

#### **27-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатларга оид умумий талаблар**

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга транспорт воситаларининг салбий таъсирини камайтириш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади.

#### **28-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар**

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар йўл ҳаракатини ташкил этишнинг стратегик йўналишларини белгилаш ҳамда йўл ҳаракатини бошқариш самарадорлигини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар туманлар (шаҳарлар) кесимида беш йил муддатга ишлаб чиқилади ҳамда улар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича комплекс дастурлар тайёрланади.

Туманларнинг (шаҳарларнинг), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида, шунингдек хўжалик йўлларида йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Умумий фойдаланишдаги йўлларда йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тайёрланади ва тасдиқланади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурларда қуйидагилар назарда тутилади:

йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирлар;

атроф-муҳитга транспорт воситаларининг салбий таъсирини камайтиришни таъминлаш бўйича тадбирлар;

йўл ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш;

аҳолиси беш юз минг нафар кишидан ортиқ бўлган шаҳарларда — транзит ташувчилар учун айланиб ўтиш (ҳалқа) йўллари ҳақидаги, тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳарга кирилаётганда тўхтаб туриш жойлари тўғрисидаги, шаҳар ҳудудидаги мавжуд тўхтаб туриш жойлари ҳақидаги автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш;

йўлларни ва йўл объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш бўйича тадбирлар.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурларда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан махсус ваколатли давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

### **29-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари**

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурларда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш, шунингдек оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишларини белгилаш мақсадида лойиҳалаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган йўлларда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари халқаро нормалар талаблари ҳисобга олинган ҳолда бажарилади.

Оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишлари бўйича йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида қуйидагилар ҳисобга олинади:

оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташиш қоидалари;

тақиқловчи йўл белгиларини ўрнатиш;

оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг йўл сунъий иншоотлари орқали ўтиши тартиби.

Оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг йўл сунъий иншоотлари орқали ўтиши тартиби махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади.

Тадбирларни йўл ҳаракатини ташкил этишнинг тасдиқланмаган лойиҳалари бўйича амалга оширишга йўл қўйилмайди.

### **30-модда. Алоҳида йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари**

Йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракати бир суткадан ортиқ муддатга чекланган ёки тақиқланган тақдирда алоҳида йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки

тақиқлаш даври учун алоҳида йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракат йўналишини белгилаш мақсадида қуйидаги ҳолатларда ишлаб чиқилади:

йўлларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш чоғида;

транспорт воситаларининг ҳаракатланишига таъсир қилувчи қурилиш, таъмирлаш ишларини ва бошқа ишларни бажариш, шу жумладан муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш чоғида;

оммавий тадбирларни (спорт тадбирлари ва маданий тадбирлар, кино-ва фототасвирга олиш, оммавий сайрлар, ярмаркалар, оммавий юришлар ва бошқа тадбирлар) ўтказиш чоғида;

дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларида дам олиш объектлари ҳамда зоналари билан боғлайдиган йўллар бўйлаб ҳаракатланиш жадаллиги нормадан ошганда.

### **31-модда. Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити**

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлик юзасидан аудитдан ўтказилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити махсус ваколатли давлат органлари томонидан мустақил равишда ёки шундай аудитни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъекти шартнома асосида жалб этилган ҳолда ўтказилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити қуйидаги босқичларда ўтказилади:

асослантириш (режалаштириш);

хомаки лойиҳалаштириш;

батафсил лойиҳалаштириш;

йўлни фойдаланишга топширишдан олдин;

йўлни фойдаланишга топширилганидан кейин.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити у қайси босқичда ўтказилганлигига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

йўлни қуриш ёки реконструкция қилиш хавфсизлиги аудити;

фойдаланиладиган йўлнинг хавфсизлиги аудити;

ўзига хос мақсадга мўлжалланган йўл объектларининг хавфсизлиги аудити.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилади:

объектдан фойдаланиш чоғида йўл-транспорт ҳодисаларининг рўй бериши эҳтимолини имкон қадар камайтириш;

хавфни тўлиқ бартараф этиш имкони бўлмаган йўл участкаларида рўй бериши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатларини имкон қадар камайтириш учун самарали ечимларни қўллаш;

йўлларни лойиҳалаштириш ва қуриш босқичларида камчиликларни

аниқлаш ҳамда бартараф этиш орқали йўлдан фойдаланиш чоғида камчиликларни бартараф этишга доир харажатларни камайтириш.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити натижасида тайёрланган тавсиялар тегишли босқичда буюртмачига ва ишларни бажарувчиларга (режалаштирувчи ташкилотга, лойиҳалаштирувчи ташкилотга, пудратчи ташкилотга, фойдаланувчи ташкилотга) кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасининг аудити натижалари бўйича хулоса тузилиб, унда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаси қонунчилик талабларига мувофиқ эканлиги ёки мувофиқ эмаслиги кўрсатилади.

Агар йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасининг аудити натижасида лойиҳанинг қонунчилик талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланса, мазкур лойиҳага тегишли ўзгартишлар киритилади.

### **32-модда. Йўлларни лойиҳалаштиришга, қуришга, реконструкция қилишга, таъмирлашга ва сақлашга доир талаблар**

Йўлларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан аниқланади.

Лойиҳалаштириш босқичида йўлларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги учун жавобгарлик йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқувчининг, қурилиш ва реконструкция қилиш босқичларида эса ишларни бажарувчининг зиммасига юклатилади.

Йўлларни таъмирлаш ва сақлаш чоғида уларнинг ҳолати йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш мажбурияти йўл эгаларининг зиммасига юклатилади.

Йўл эгаларининг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида йўл ҳаракати иштирокчиларига ва транспорт воситасига етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда йўл эгалари томонидан қопланади.

### **33-модда. Йўлларда хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш**

Йўлларнинг эгалари хизмат кўрсатиш объектларини лойиҳалаштириш нормаларига, уларни қуриш режаларига ва уларни жойлаштиришнинг бош схемаларига мувофиқ ўз ихтиёридаги йўлларда мазкур объектларни барпо этиш чораларини кўради, йўл ҳаракати иштирокчиларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш объектларининг ишини ташкил этади, йўл ҳаракати иштирокчиларига бундай объектларнинг мавжудлиги ҳамда энг яқин соғлиқни сақлаш ва алоқа муассасаларининг жойлашуви ҳақидаги ахборотни, шунингдек йўлларнинг тегишли участкаларида ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

### **5-боб. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар**

#### **34-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўл-транспорт ходисалари рўй бериши сабабларининг олдини олишга ва уларнинг оқибатларини юмшатишга қаратилган фаолиятдир.

#### **35-модда. Транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятлари**

Транспорт воситасига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда эгалик қилувчи шахс транспорт воситасининг эгасидир. Транспорт воситасини ўз хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариш учун, шу жумладан транспорт воситасининг мулкдори ёхуд бошқа эгаси билан тузилган меҳнат шартномасига ёки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномага асосан бошқарувчи шахс транспорт воситасининг эгаси бўлмайди.

Транспорт воситаларининг эгалари:

техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланиши;

транспорт воситаларининг тегишли малакага эга бўлган ва тиббий кўриқдан ўтган шахслар томонидан бошқарилишига ижозат бериши;

транспорт воситаларидан фойдаланиш чоғида бошқа шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мажбурий суғурта қилишни амалга ошириши;

транспорт воситаларининг алкогольдан маст ҳолатда ёки психоактив моддалар таъсири остида ёхуд ўта чарчоқ ҳолатда бўлган шахслар томонидан бошқарилишига йўл қўймаслиги;

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши шарт.

#### **36-модда. Транспорт воситаларига, улар конструкцияларининг таркибий қисмларига, эҳтиёт қисмларга ва анжомларга доир талаблар**

Транспорт воситалари, улар конструкцияларининг таркибий қисмлари, эҳтиёт қисмлар ва анжомлар транспорт воситасининг техник параметрларига ҳамда йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим.

#### **37-модда. Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва ускуналарига доир талаблар**

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак. Ўз-

бекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишда бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган транспорт воситалари мажбурий равишда техник кўриқдан ўтказилади.

Транспорт воситаларини мажбурий равишда техник кўриқдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **38-модда. Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатишга ва уларни таъмирлашга доир талаблар**

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар мазкур хизматларни йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ кўрсатиши шарт.

### **39-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш**

Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Транспорт воситаларининг техник носозликлари рўйхати ва бундай носозликлар мавжуд бўлганда улардан фойдаланишни тақиқлайдиган шартлар Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

### **40-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларга доир асосий талаблар**

Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар:

ҳайдовчиларнинг ишини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи талабларга мувофиқ ташкил этиши;

ҳайдовчиларнинг қонунчиликда белгиланган меҳнат қилиш ва дам олиш режимига риоя этиши;

ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

транспорт воситаларининг созлигини ва бут сақланишини таъминлаши, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўймаслиги;

ўзига тегишли транспорт воситалари иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг ва Йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг сабабларини таҳлил қилиши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши;

тиббиёт ходимларини жалб этган ҳолда ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқ-



ларини, ҳайдовчиларнинг йўл-транспорт ходисаларида жабрланганларга ҳодиса юз берган жойнинг ўзида, тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилиш ёрдам кўрсатиш бўйича кўникмаларини такомиллаштиришга доир тадбирларни ташкил этиши ва ўтказиши;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлган ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллигига чалинганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан унинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда суғурталаши шарт.

Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Автомобиль транспортида ёки ер усти шаҳар электр транспортида йўловчилар, багаж ва юк ташиш фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар ташишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳайдовчиларга нисбатан йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

Юридик шахслар транспорт воситаларининг сонига қараб йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хизматларни ташкил этади ёки лавозимлар жорий этади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг сонини аниқлаш нормативлари қонунчиликда белгиланади.

Юридик шахслар томонидан ўтказиладиган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни молиялаштириш уларнинг ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**41-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг ходимларини йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш**

Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг ходимларини йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш юридик шахс томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш мақсадида юридик шахс йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича дастлабки, рейсдан олдинги, махсус, мавсумий ва қўшимча (навбатдан ташқари) йўл-йўриқлар кўрсатилишини таъминлаши шарт.

Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган

махсус дастурлар бўйича уч йилда камида бир марта ўз малакасини ошириб, малака имтиҳони топшириши керак.

#### **42-модда. Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари**

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан ҳаракатланиш йўналиши, ташиладиган юк ҳақида, ўз ҳаёти ва соғлиғи учун мавжуд бўлган таҳдид тўғрисида, шунингдек ташишни амалга ошириш чоғида зарарли ва (ёки) хавfli омиллар таъсиридан ўзининг ҳимоя қилинишига доир чора-тадбирлар ҳақида ишончли ахборот олиш;

белгиланган талабларга мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош билан таъминланиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича шарт-шароитларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

ўз ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган вазият юзага келган тақдирда, ташишни бажаришни бевосита раҳбарини ёки иш берувчининг бошқа вакилини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда рад этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида малакасини ошириш ва касбий қайта тайёргарликдан ўтиш;

меҳнат вазифаларини бажариш чоғида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши;

иш берувчининг йўл ҳаракати соҳасидаги ғайриҳуқуқий қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **43-модда. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўлларда ҳаракатланишнинг хавфсиз шарт-шароитларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади.

Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқларини чекламаслиги ёки бузмаслиги керак.

Йўл ҳаракати иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ йўлларда эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш;

қонунчиликда назарда тутилган ўз ҳуқуқларининг чекланиши ёки бузилиши сабаблари тўғрисида махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олиш;

ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари тўғрисида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган техник воситалар ва хизматларнинг сифати ҳақида тўлиқ ҳамда ишончли ахборот олиш;

йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда қонунчиликка мувофиқ зиммасига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишларини олиб бориш ва бо-

шқа шошилиш ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилган ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслардан шундай ёрдамлар олиш;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ўзига тан жароҳатлари етказилган, транспорт воситаси ва юк шикастланган ҳолларда, қонунчиликда белгиланган тартибда зарарнинг ўрни қопланиши, шунингдек маънавий зарар компенсация қилиниши;

махсус ваколатли давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати соҳасидаги қонунга хилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йўл белгиларини, чизиқларини, светофорларни ўзгартириш ва ўрнатиш юзасидан, йўл қопламасининг ҳолати ҳақидаги таклифлар ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир бошқа таклифлар билан тегишли органларга муурожаат этиш.

Йўл ҳаракати иштирокчилари:

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Йўл ҳаракати иштирокчилари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

#### **44-модда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи**

Қуйидагиларни:

мотоцикллар, мотороллерларни ва бошқа мототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи — ўн олти ёшга тўлган шахсларга берилади;

рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ва ўриндиқлар сони ҳайдовчининг ўриндигидан ташқари саккизтадан ошмайдиган автомобилларни бошқариш ҳуқуқи, бундан такси мустасно — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;

рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ошадиган юк автомобилларини бошқариш ҳуқуқи — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;

такси сифатида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчининг ўриндигидан ташқари саккизтадан ортиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи — йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилади;

транспорт воситалари таркибларини бошқариш ҳуқуқи — ушбу қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга транспорт воситасини бошқариш стажининг икки ойдан кам бўлмаган тақдирда берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи тиббий текширувдан ўтган ва малака имтиҳонларини топширган шахсларга бериладиган белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Малака имтиҳонларини топшириш ва транспорт воситаларини бошқа-

риш ҳуқуқига доир гувоҳномани бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган талабларга мувофиқ бўлган миллий ва халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари амал қилади.

#### **45-модда. Ҳайдовчиларни тайёрлашга доир талаблар**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун малака имтиҳонларини топширишга тегишли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган ҳажмда тегишли тайёргарликдан ўтган шахслар қўйилади.

Тегишли тоифалардаги ҳайдовчиларни тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

#### **46-модда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ҳайдовчининг соғлиғи транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қиладиган тарзда ёмонлашганлиги тиббий хулоса билан тасдиқланганда;

ҳайдовчи содир этилган ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Жавобгарлик чораси сифатида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликларнинг турлари қонунда белгиланади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш суд томонидан қўлланилади.

#### **6-боб. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш**

#### **47-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш асослари**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш ҳайдовчиларни мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан, шу жумладан рейсдан олдинги тиббий кўриклардан ўтказиш, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга ҳодиса юз берган жойнинг ўзида, тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилиш ёрдам кўрсатиш усуллари йўл ҳаракати иштирокчиларига, ички ишлар органларининг, бошқа ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг мансабдор шахсларига ва аҳолига даврий равишда ўргатиш орқали амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳодиса юз берган жойнинг ўзида тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилиш ёрдам кўрсатишдан, шунингдек йўл-транспорт

ходисаси содир бўлган жойда, даволаш-профилактика муассасасига олиб борилаётганда ва даволаш-профилактика муассасасида малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Тиббий кўрикларни ўтказиш ҳамда йўл-транспорт ходисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тартиби, тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилиш ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг саломида туриши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **48-модда. Транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширув**

Ушбу Қонуннинг 44-моддасида кўрсатилган ёшга тўлган шахслар автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича таълим ташкилотларига ҳужжатларни топширишдан олдин тиббиёт муассасаларида транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида мажбурий равишда тиббий текширувдан ўтади.

Тиббий текширув ушбу Қонуннинг иловасида\* қайд этилган тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида пулли асосда ўтказилади.

Тиббий текширувдан ўтказиш рухсат берилган тиббиёт муассасаларининг рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифларнинг миқдорлари ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **49-модда. Транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтиш тартиби**

Тиббий текширув ўзига тиббий текширувни ўтказиш рухсат этилган тиббиёт муассасаси томонидан, текширувдан ўтаётган шахс шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (идентификацияловчи ID-картасини, паспортини, шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатини) кўрсатгач ўтказилади.

Тиббий текширувни ўтказиш учун тиббиёт муассасаси томонидан махсус тиббий комиссия тузилади. Тиббий комиссия таркиби тиббиёт муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Тиббий комиссия тиббий текширувдан ўтказиш билан боғлиқ маълумотларни акс эттириш учун тиббий текширувдан ўтаётган шахсларнинг амбулатория карталарини юритади.

Амбулатория картасида тиббий текширувни ўтказишда иштирок этаётган барча шифокорлар ва мутахассисларнинг тиббий текширувдан ўтаётган шахс хусусидаги тиббий хулосалари кўрсатилиши керак.

Тиббий текширув натижаларига кўра тиббиёт муассасаси транспорт

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги тиббий комиссия хулосасини электрон шаклда расмийлаштиради ва ахборотнинг махфийлиги таъминланган ҳолда хулосани тиббий текширув ўтказилган пайдан эътиборан бир иш куни ичида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматиغا ахборот тизими орқали юборади.

Тиббий комиссия хулосасининг кўчирма нусхаси тиббий текширувдан ўтган шахсга берилади.

Тиббиёт муассасаларига тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларда ушбу Қонуннинг иловасида қайд этилган тиббий қарши кўрсатмалар аниқланган тақдирда, мазкур ахборот унинг махфийлиги таъминланган ҳолда, тиббиёт муассасалари томонидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматиغا ахборот тизими орқали юборилади.

Тиббий комиссиянинг транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек ушбу Қонуннинг иловасида кўрсатилган касалликлар аниқланганлиги ҳақидаги ахборот автотототранспорт воситаларининг ҳамда шаҳар электр транспорти воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим ташкилотларига номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этиш ҳамда судлар томонидан ҳайдовчиларни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўлади.

Тиббий комиссияларнинг транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги хулосаларини (ахборотини) киритиш, уларнинг ҳисобини юритиш бўйича ахборот тизимининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **50-модда. Йўл ҳаракати соҳасида илм-фан ютуқларидан фойдаланиш**

Йўл ҳаракатини ташкил этиш самарадорлигини, йўлларнинг ўтказувчанлик қобилятини ошириш, йўл ҳаракати иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида махсус ваколатли давлат органлари тизимида йўл ҳаракати соҳасида илмий тадқиқотларни амалга оширувчи тузилмалар ташкил этилиши мумкин.

Илм-фан ютуқларидан, йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларидан махсус ваколатли давлат органлари томонидан йўл ҳаракатини ташкил этиш чоғида, шу жумладан йўл ҳаракатини ташкил этишнинг ахборот тизимлари ва техник воситаларини такомиллаштириш учун фойдаланилади.

#### **51-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назорати**

Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назорати йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишларини бартараф этиш ҳақидаги тақ-

димномаларнинг бажарилишини ўрганиш, йўл ҳаракатини ташкил этиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назоратини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотлар қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширади.

**52-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш**

Йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**53-модда. Низоларни ҳал этиш**

Йўл ҳаракати соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**54-модда. Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**55-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9,

416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) **147-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

**номи «қоидаларини бузиш»** деган сўзлардан кейин **«йўл ҳаракатини ташкил этиш талабларини бажармаслик»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисм** «чораларини кўрмаслик» деган сўзлардан кейин «шунингдек йўл ҳаракатини ташкил этиш талабларини бажармаслик» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги 818–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 819–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 216-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшим-**



**чалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–31-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **5-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–82-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 155-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–348-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 94-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **18-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **108-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–721-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 10, 968-модда) **15-моддаси**.

### **56-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### **57-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 20-моддасининг иккинчи қисми талаблари ҳам ҳисобга олинмаган Ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-

ган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**58-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 январь,  
ЎРҚ–900-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 21 Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий жиҳатдан таъминлаш, соҳада илм-фан ютуқларини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда жиноят оқибатлари билан курашишни эмас, балки жиноятчиликнинг асл омилларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш орқали унинг барвақт олдини олишни устувор мақсадга айлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга республикада кузатилаётган жиноятчилик тенденцияларини таҳлил ва прогноз қилиш, жиноятчилик омилларини илмий диагноз қилиш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали уларни бартараф этиш, шунингдек, илмий тадқиқотларни ҳуқуқ-тартибот амалиётидаги муаммоларнинг манзилли ҳал этилишига йўналтириш механизмларини тубдан ислох қилиш зарурати юзага келган.

Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш бўйича фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда жиноятларнинг омилларини ўз вақтида бартараф этиш орқали уларни барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

республикадаги криминоген вазиятга оид чуқур тадқиқотларни амалга ошириш, жиноятчилик тенденцияларини тизимли равишда таҳлил ва прогноз қилиш, унинг ижтимоий, иқтисодий, психологик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, тиббий ва ташкилий омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлаш;

худудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштириш чоралари-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 январда эълон қилинган.

нинг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш, шунингдек, илмий таҳлил, прогноз ва диагноз хулосаларига асосланган ҳолда, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали жиноятчилик омилларини бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш орқали криминологик фаолият амалиётида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган комплекс ечимларни ишлаб чиқиш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни ташкил этиш;

жамоатчилик ўртасида шов-шувга сабаб бўлган жиноятларнинг омилларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда мутахассис сифатида суриштирув ва дастлабки тергов органларига услубий кўмаклашиш;

жаҳон криминологияси ва хорижий давлатлар криминологик фаолият тўғрисидаги қонунчилигининг илғор тажрибаларини доимий ўрганиш ҳамда унинг натижаларини Ўзбекистон Республикаси шароитларида жорий этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

криминология соҳаси бўйича мустақил изланувчилик шаклида олий малякали илмий кадрларни тайёрлаш, талабгорларни белгиланган тартибда илмий даражалар ва илмий унвонларга тақдим этиш.

### 3. Белгилансинки:

Институт криминологик фаолиятни илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлашга ихтисослашган, Ички ишлар вазирлиги ташкилий тузилмасига кировчи, юридик шахс мақомига эга, республика илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

Институтнинг ташкилий-штат тузилмаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказининг фаолиятини тугатиш ҳамда вазирлик ва идоралар тизимидаги илмий ташкилотларнинг штат бирликларини босқичма-босқич мақбуллаштириш ҳисобидан ташкил этилади;

Институт Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институт ўз вазифаларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади, унинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, тадқиқот ҳисоботидаги маълумотларни ўзгартириши учун таъсир кўрсатиш тақиқланади;

Институтга Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади;

Институтнинг жорий ташкилий ва ташаббус асосидаги тадқиқотлар харажатлари Ички ишлар вазирлигининг бюджет маблағлари, буюртма асосидаги тадқиқот харажатлари эса давлат органлари (буюртмачилар)нинг бюджетдан ташқари маблағлари, пуллик хизматларни кўрсатиш, миллий ва халқаро грантлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

### 4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Институт ҳар чорак якунида криминология соҳасида бажарилган илмий-тадқиқот лойиҳалари ва диссертациялар, жиноятлар омилларига илмий диагноз қўйиш, жиноятчилик тенденцияларини таҳлил ва прогноз қилиш натижалари асосида «Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботи» ҳамда «Жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи»ни, ҳар йил якунида — «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи» ва криминоген вазият юзасидан таҳлилий ахборотни тайёрлайди ҳамда уларни Вазирлар Маҳкамаси ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органларга киритади;

Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар билан биргаликда «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи»дан келиб чиққан ҳолда, ҳар йил якунида келгуси йилда республикамизда жиноятчилик омиллари ва уларнинг салбий тенденцияларини бартараф этиш комплекс чора-тадбирлари бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлар Маҳкамаси ҳар йил бошланишида республикамизда жиноятчилик омиллари ва уларнинг салбий тенденцияларини бартараф этиш комплекс чора-тадбирлари бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлайди ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди;

илмий ва олий таълим муассасаларининг криминологик тадқиқотлар ва криминология фанини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлигини самарали ташкил этиш мақсадида Институт ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши ташкил этилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) икки ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда Институт тўғрисидаги низомни, унинг ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгашининг ишлаш тартибини, Институтнинг илмий тақлифлари бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

6. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) Институтни Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй манзилида жойлаштириш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 15 январь,  
ПФ–10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 15 январдаги  
ПФ–10-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги «Жинойий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5566-сон Фармонининг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6196-сон Фармонининг 7-банди тўққизинчи — ўн бешинчи хатбошилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–27-сон Фармонида:

а) 1-илованинг 8-банди ўнинчи хатбошиси «жамоат хавфсизлигини таъминлаш» сўзларидан кейин «ва криминология» деган сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-иловада:

41-банди ««Жамоат хавфсизлиги асослари» дарслигини тайёрлаш» сўзларидан кейин «, шунингдек, республика таълим муассасаларида криминология фани ўқитилишини ривожлантириш» деган сўзлари билан тўлдирилсин;

44-бандидан «Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

47-бандида «Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги «Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ–257-сон Фармони 2-бандининг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«терговга қадар текширув ҳужжатлари ва жиноят ишларини ўрганиш асосида жиноятларни унинг турлари кесимида таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини услубий ва консултатив таъминлаш».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**22 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6243-сон Фармони билан бошланган ер муносабатлари соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон танлов ўрнига электрон онлайн аукцион савдолари жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари электрон онлайн аукцион савдолари орқали ўттиз йилга ижарага берилади, бунда бошланғич нарх ер участкасининг норматив қиймати миқдорида белгиланади;

б) ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича материалларни тайёрлаш, қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилгунига қадар, очиқ электрон танлов учун белгиланган тартибда, электрон онлайн аукцион савдоларини ўтказиш эса, аукцион савдоларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади;

в) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига ер участкаси нархини уч йил муддатда ҳар ойда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

г) деҳқон хўжалиги, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолиби бўлган «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган фуқароларга ер участкаси нархини беш йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

д) электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижара ҳуқуқини сотишдан тушган маблағлар ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин оператор хизмат ҳақи чегирилган ҳолда қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларга (2 фоиз — «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» МЧЖга, 3 фоиз — «Ўздаверлойтих» давлат илмий-лойиҳалаш институтига, 5 фоиз — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига);

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баравари миқдорида — ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисобварағига;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 январда эълон қилинган.

қолган маблағлар — тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари, Кадастр агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар:

1-иловага мувофиқ 15 626,8 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини (аҳоли пунктларига яқин, сув таъминоти яхши, унумдорлиги юқори бўлган, майдони, қоида тариқасида, 5 гектардан юқори контурларни 1 гектаргача лотларга бўлган ҳолда);

очиқ электрон танловга чиқарилган ва ғолиб аниқланмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари 2024 йил 1 мартдан бошлаб автоматик тарзда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

4. 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат берилсин. Бунда:

ижарага олувчи ер участкасидан камида уч йил давомида, ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда эса, камида беш йил давомида ўзи фойдаланган бўлиши шарт, ушбу муддат ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳисобланади;

юримдик шахсларга электрон онлайн аукцион савдолари, очиқ электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорлари билан тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб беш йилдан кейин йўл қўйилади;

ижарага берувчи очиқ электрон танлов натижасига кўра ижара муддати-га тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн аукцион савдолари натижаларига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бирийўла тўлаши шарт.

5. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2023 йил 13 декабрдаги «Республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, бу борада маҳаллий Кенгашлар томонидан назорат қилиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги 3787-IV/КҚ-642-IV сонли қўшма қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2024 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган, ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қиладиган, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган, шу сабабларга кўра ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда амалда фойдаланиб келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб, ўз сессияларида ушбу ер участкалари бўйича:

туман (шаҳар) хокими ва ердан фойдаланувчи ўртасида ер ижараси



шартномасини тузиш (ижара шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш) тўғрисида;

ер участкасини захирага қайтариш чораларини кўриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари 2024 йил 31 декабрга қадар ўз ҳудудларида ерга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган, лекин амалда фойдаланиб келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча ер участкалари бўйича ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ерни захирага қайтариш чораларини кўрсин.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплаш бўйича тўловлар барча ҳолларда барча шахслардан тўлиқ ундирилиши белгилансин, бундан ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ҳоллар мустасно.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ гаровга қўювчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқлар гарови билан таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда, ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда, ижара ҳуқуқини ер ижараси шартномасининг қолган даврига электрон онлайн аукцион савдолари орқали реализация қилишга рухсат этилади. Бунда:

ер участкасига ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқаришни ваколатли органлар билан келишиш (хулоса олиш) талаб этилмайди;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларида реализация қилишдан тушган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

8. Агросаноат кластерларига ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижарага бериш тартиби бекор қилинсин. Бунда, агросаноат кластерлари ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ёки йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан ижарага олишлари мумкин.

9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги икки ой муддатда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартибини соддалаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга ер участкаларини ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ер участкаларини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан маҳаллий ва чет эллик инвесторларга тўғридан-тўғри ижарага беришда ушбу ер участкасига ижара ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағ ижарага олувчи томонидан Давлат бюджетига тўланиши назарда тутилсин.

10. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров, қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 18 январь,  
ПФ–15-сон

Республикаси  
Президентининг 2024 йил 18 январдаги  
ПФ–15-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**2024 йил 1 мартга қадар электрон онлайн аукцион  
савдоларига чиқариладиган қишлоқ хўжалигига  
мўлжалланган ер участкалари  
МАЙДОНИ**

<b>Т/р</b>	<b>Худудлар номи</b>	<b>Ер майдони, гектар</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 724,8
2.	Андижон вилояти	1 402,3
3.	Бухоро вилояти	1 115,8
4.	Жиззах вилояти	952,2
5.	Қашқадарё вилояти	1 460,0
6.	Навоий вилояти	449,2
7.	Наманган вилояти	1 110,5
8.	Самарқанд вилояти	1 332,2
9.	Сурхондарё вилоят	1 353,3
10.	Сирдарё вилояти	849,1
11.	Тошкент вилояти	1 263,1
12.	Фарғона вилояти	1 490,4
13.	Хоразм вилояти	1 123,9
<b>Республика бўйича</b>		<b>15 626,8</b>

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 18 январдаги  
ПФ–15-сон Фармонида  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6243-сон Фармонида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги «очиқ электрон танлов» сўзлари «электрон онлайн аукцион» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги «очиқ танлов якунларини тасдиқлаш, ижара шартномасини имзолаш, ер участкаларини хусусийлаштириш натижаларини расмийлаштириш» сўзлари «ижара шартномасини имзолаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 августдаги «Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–129-сон Фармонининг 3-бандида:

бешинчи хатбоши «лойиҳа ташаббускорларига» сўзларидан кейин «, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга» сўзлари билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбошидаги «ўрмон фонди, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган яйлов, сув етиб бормайдиган, унумдорлиги паст бўлган ерларнинг тоифасини» сўзлари «ўрмон фонди ерлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибидаги суғорилмайдиган ер участкаларининг (яйловлар, сув етиб бормайдиган, унумдорлиги паст бўлган ерларнинг) ер фонди тоифасини» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4819-сон қарори 11-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 апрелдаги «Муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун ер участкаларини ажратиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–204-сон қарорининг 3-банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳукумат комиссияси аъзолари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши

лойиҳаси ишчи орган томонидан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун белгиланган тартибда киритилади, бунда мазкур лойиҳаларни бошқа идоралар билан келишиш талаб этилмайди, лойиҳаларга ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартиришдан бошқа масалаларни киритишга йўл қўйилмайди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**23 Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–10-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар республикамізда криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини замон талаблари асосида ташкил этишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида «Ғоядан амалиётгача» деган янги тамойил асосида илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш орқали фанлараро билимларни қўллаш тизимини яратиш;

жиноятчилик, шу жумладан латент жиноятчилик тенденцияларини тизимли равишда таҳлил ва прогноз қилиш, салбий тенденцияларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

жиноятнинг асл омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари тизимини белгилаш, криминологик фаолиятга сунъий интеллект ва замонавий рақамли технологияларни жорий этиб бориш;

юримдик, социологик, психологик, педагогик, тиббий, атроф-муҳит, рақамли криминология каби замонавий тармоқларни ривожлантириш, таълим муассасаларида криминология фанини тизимли ўқитиш орқали ёшларда жиноятга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

зарур ташкилий-ҳуқуқий ва тузилмавий асосларни шакллантирган ҳолда жиноятчилик омиллари ва унинг салбий тенденциялари бартараф этилганлигини илмий баҳолаш амалиётини йўлга қўйиш;

ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан манзилли ҳамкорликни фаоллаштириш, қўшма криминологик тадқиқотларни амалга оширишни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон криминологияси жаҳон рейтингларида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш.

2. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш, жиноятчилик омилларини илмий диагноз қилиш методикаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

комплекс илмий диагноз асосида суд ҳукми (ажрими) чиққан (жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиққан) жиноятларнинг омилларини аниқлаш механизмлари;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 январда эълон қилинган.

худудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштириш чораларининг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш, шунингдек, илмий таҳлил, прогноз ва диагноз хулосаларига асосланган ҳолда, жиноятчилик омилларини бартараф этиш чораларини белгилаш тартиби;

илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш тартиби, илмий ишланмаларни криминологик фаолият амалиётига жорий этиш тизими, илмий таҳлил, прогноз ва диагноз хулосаларига асосланган ҳолда, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни тайёрлаш механизмлари.

### 3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) Мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун ҳар йили Институтнинг Ҳаракатлар дастурини тасдиқлаш, йил давомида ижросини таъминлаш ҳамда унинг натижалари бўйича Институт фаолиятига баҳо бериб бориш чораларини кўрсин.

### 4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Институт томонидан криминология соҳасида буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари 3-иловага\* мувофиқ, ташаббус асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари 4-иловага\* мувофиқ амалга оширилади;

Институт криминологик тадқиқотлар натижалари бўйича 5-иловага\* мувофиқ илмий нашрларни даврий равишда чоп этади;

Институт криминология соҳаси бўйича таянч илмий ташкилот ҳисобланади ҳамда криминологик фаолиятни экспертлик ва илмий таъминлаш ишларини ваколати доирасида мувофиқлаштиради;

давлат органлари ва муассасалари, давлат илмий ва олий таълим муассасалари томонидан криминология ва криминологик фаолиятга доир тайёрланган илмий, услубий ва ўқув адабиётлари нусхалари Институтга Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиш учун тақдим этилади.

### 5. Белгилансинки:

Институтнинг илмий таркиб лавозимлари юридик, психология, социология, педагогика, техника, иқтисодиёт, тиббиёт ва география соҳалари бўйича илмий даражага эга бўлган кадрлар билан жамланади;

илмий даражага эга бўлмаган номзодлар Институтнинг бўш турган илмий таркиб лавозими ҳисобидан илмий ходим-тадқиқотчи лавозимига қабул қилиниши мумкин;

Институтнинг илмий таркиб лавозимларидаги хизматчиларига Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 233-сон қарори билан белги-

\* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг тегишли базавий лавозим маошлари миқдорлари қўлланилади ҳамда уларга аввалги иш жойи бўйича берилган мартаба даражалари учун белгиланган устама ҳақлари (мавжуд бўлса) сақланиб қолади.

Ички ишлар вазири П. Бобожонов зиммасига Институтда илмий-амалий тадқиқотлар жараёнини энг замонавий илмий методикалар, илм-фаннинг илғор ютуқлари ва ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш, унинг шахсий таркибининг илмий салоҳиятини, шу жумладан етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасаларида ўқитиш орқали ошириш бўйича шахсий масъулият юклансин.

6. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

илмий-амалий тадқиқотлар жараёнига шартнома асосида, шу жумладан етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасаларидан юқори илмий-таҳлилий маҳоратга эга бўлган малакали мутахассисларни бир йилгача муддатга жалб этиш ва меҳнат бозори конъюнктурасини инобатга олган ҳолда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида шартнома асосида экспертлик, илмий-тадқиқот, ноширлик, матбаа ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш;

етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан қўшма илмий-амалий тадқиқотлар лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, илмий кадрларни ўқитиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум ва битимларни тузиш.

7. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

буюртма асосида амалга оширилган тадқиқотлар учун давлат органлари (буюртмачилар) томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш орқали даромад олишдан тушадиган маблағлар;

миллий ва халқаро грантлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов):

икки ой муддатда Ички ишлар органларида илмий фаолиятни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, бунда диссертация ва илмий ишланмалар мавзулари ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлиши, уларни амалиётга жорий этиш бўйича ягона тартиб белгиланишини назарда тутсин;

уч ой муддатда Институт ходим ва хизматчиларининг илмий фаолиятини баҳолаш индикаторларини белгиловчи ҳамда улар натижалари бўйича бир



йил давомида ҳар ойлик қўшимча якка тартибдаги устамаларни тўлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда Институт фаолиятини юқори даражада ташкил этиш мақсадида унинг эҳтиёжи учун барча зарур илмий-техник ускуна ва воситаларни харид қилиш чораларини кўрсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар илмий диагноз асосида жиноятчилик омилларини аниқлаш механизмларини назарда тутган ҳолда «E-jamoat havfsizligi» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг «Jinoyat omillari» модулини яратсин ва ушбу тизимни ишга тушириш билан боғлиқ барча ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга оширсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгилансин.

Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 15 январь,  
ПҚ–22-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I****24 Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
15-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2547-6*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son “Nikoh, oila va fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish sohasidagi normativ-huquqiy hujjatlarni tizimlashtirish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2013-yil 31-dekabrda 400-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2547, 2013-yil 31-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 1-son, 10-modda) bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 15-yanvar,  
3-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 15-yanvarda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
adliya vazirining 2024-yil 15-yanvardagi  
3-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida  
ish yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan  
o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. 5-bandning beshinchi xatboshisidagi "Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 25-fevraldagi 89-son qarori bilan tasdiqlangan O'limni qayd qilish bilan bog'liq kompozit davlat xizmatlarini ko'rsatishning ma'muriy reglamentiga" degan so'zlar "Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan O'limni qayd qilish bilan bog'liq kompozit davlat xizmatlarini ko'rsatishning ma'muriy reglamentiga" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 11-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining 4-bandiga asosan FHDY organlari, O'zbekiston Respublikasining konsullik muassasalari va fuqarolar yig'inlari fuqarolik holati dalolatnomalarining yozuv blanklari va boshqa hujjatlar bilan Vazirlik, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi tomonidan ta'minlanadi."

3. 23-bandning ikkinchi xatboshisidan "seriyasi, tartib raqamlari qirqib olinib, dalolatnomaning birinchi nusxasiga yelimplab qo'yiladi. Guvohnomalarning qolgan qismlari" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

4. Quyidagi mazmundagi 351-band bilan to'ldirilsin:

"351. Ariza beruvchi bola tug'ilganligi haqida guvohnomani olish uchun O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (bundan buyon matnda YIDXP deb yuritiladi) orqali elektron so'rovnomaga to'ldiradi yoki bevosita FHDY organiga murojaat qiladi.

Bunda, FHDY organi xodimi elektron so'rovnomaga kelib tushgandan keyin bir ish kuni ichida bolaga tug'ilganlik haqida guvohnoma rasmiylashtiradi hamda uni ariza beruvchiga taqdim etadi.

Ariza beruvchi xohishiga ko'ra, tug'ilganlik haqida guvohnomani pochta aloqasi orqali olishi mumkin. Bunda, pochta xarajatlari ariza beruvchi hisobidan qoplanadi."

5. 38-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Agar tug'ilgan bolaning onasi voyaga yetmagan bo'lsa, tug'ilishni qayd etish bolaning tug'ilganligi haqida tibbiy ma'lumotnoma hamda vasiylik va homiylik organining arizasiga muvofiq FHDY organi tomonidan qayd etiladi. Bunda, bolani tuqqan onaning shaxsini tasdiqlovchi hujjati yoki tug'ilganlik haqidagi guvohnomasi bilan o'qish joyidan ma'lumotnoma taqdim etilishi lozim."

6. 65-bandning ikkinchi xatboshisidagi "Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (bundan buyon matnda YIDXP deb yuritiladi)" degan so'zlar "YIDXP" qisqartmasi bilan almashtirilsin.

7. 102-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘lim holati Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan O‘limni qayd qilish bilan bog‘liq kompozit davlat xizmatlarini ko‘rsatishning ma‘muriy reglamentiga muvofiq elektron axborot tizimida kompozit davlat xizmati shaklida qayd etilganda, tibbiyot muassasalari tomonidan o‘lim holati FHDY organlarida qayd qilinganligi haqida QR-kod (matrik shtrixli kod) tasviri tushirilgan ma‘lumotnoma ariza beruvchilarga ikki nusxada chop etib beriladi.”.

8. 125-bandda:

birinchi xatboshidagi “Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 14-noyabrdagi 387-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “xususida asoslangan xulosa tuzadi va uni” degan so‘zlar “xususidagi fikrni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshi chiqarib tashlansin.

9. 128-bandning birinchi xatboshisidagi “ariza kelib tushgan” degan so‘zlar “ichki ishlar organining ariza beruvchining familiyasi, ismi, ota ismini o‘zgartirish xususidagi fikri kelib tushgan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

10. 134-bandning birinchi xatboshisidagi “Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 14-noyabrdagi 387-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. 12, 15, 32, 38, 39, 46, 48-ilovalardagi “(pasport seriyasi, raqami, qachon, kim tomonidan berilgan)” degan so‘zlar “(shaxsini tasdiqlovchi hujjat ma‘lumotlari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

12. 23, 50, 53, 66 — 68-ilovalardagi “Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 14-noyabrdagi 387-sonli qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

13. 37-ilovadagi “(pasport seriyasi, raqami, qachon, kim” va “Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 14-noyabrdagi 387-sonli qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar tegishli ravishda “(shaxsini tasdiqlovchi hujjat ma‘lumotlari)” va “Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

14. 54-ilovada:

“4. Pasportdan ko‘chirma yoki kseronusxa.” degan so‘zlar “4. Ariza beruvchi voyaga yetmagan yoki sud qarori bilan muomalaga layoqatsiz deb topilgan bo‘lsa, ota-onasi yoxud vasiy yoki homiyning arizasi.” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“5. Ariza beruvchi voyaga yetmagan yoki sud qarori bilan muomalaga layoqatsiz deb topilgan bo‘lsa, ota-onasi yoxud vasiy yoki homiyning arizasi” va “6. 1 dona 3 x 4 sm o‘lchamli fotosurat” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

15. 56 va 69 — 71-ilovalardagi “(pasport seriyasi, raqami)” degan soʻzlar “(shaxsini tasdiqlovchi hujjat maʼlumotlari)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

16. 57-ilovadagi “Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 14-noyabrdagi 387-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son qarori bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**25** Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун  
меҳнат муҳофазаси қоидаларининг 218-бандига ўзгарти-  
риш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 ноябрдаги 606-сон «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-45-сон буйруғи (рўйхат рақами 1755, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 546-модда) билан тасдиқланган Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларининг 218-банди иккинчи хатбошисидаги «Электр энергетикада назорат инспекцияси» деган сўзлар «Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 28 декабрь,  
82-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 17 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**26** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3491*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 декабрдаги 757-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қўмондон**

**Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 21 декабрь,  
343-сон

*Келишилди:*

**Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири**

**Б. МУСАЕВ**

*2023 йил 18 декабрь*

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ИНОЯТОВ**

*2023 йил 19 декабрь*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 январда эълон қилинган.

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

**К. РАФИКОВ**

*2023 йил 16 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил  
21 декабрдаги 343-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий  
жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва  
идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига  
иш (хизмат)га қабул қилиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га номзодлар ихтиёрий тартибда, танлов асосида мавжуд бўш лавозимлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда Қўриқлаш бошқармалари деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

2. Танлов тадбирлари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) дастлабки ўрганиш (ҳужжатларни йиғиш ва ўрганиш);
- б) якка тартибда суҳбат;
- в) номзодларни тиббий қўриқдан ўтказиш;
- г) жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш.

Бунда:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларига иш (хизмат)га кириш учун номзодлар танлов тадбирларининг барча босқичларида;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га кириш учун номзодлар танлов тадбирларининг фақат дастлабки ўрганиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичларида иштирок этади.

3. Танловнинг исталган битта босқичидан ўта олмаган номзодга уни такроран топширишга, шунингдек танлов тадбирларининг кейинги босқичига



ўтишга рухсат берилмайди. Бунда, номзод кейинги танловларга дастлабки ўрганиш босқичидан бошлаб қайта қатнашиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 январдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан, ёш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларининг махсус талабларини муваффақиятли бажарган (1, 2 ва 3-ўрин ғолиблари) фуқаролар бир йил мобайнида танловнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичидан озод қилинади ҳамда уларга ушбу босқич бўйича максимал балл берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилишда номзодларнинг бўй ўлчами қуйидаги махсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

- а) эркак номзодлар учун 178 сантиметрдан паст бўлмаслиги;
- б) аёл номзодлар учун 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги.

6. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига қабул қилинадиган номзодларга антропометрик параметрлар белгиланмайди.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига асосан қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига ишга (хизматга) қабул қилинмайди:

қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

жиноий жазони ўтаётган шахслар;

мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган, шунингдек жамоат тартибига ёки бошқаруwnинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун бир йил ичида такроран маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар;

руҳий касалликлари бўлган, наркологик касалликларга чалинган, шунингдек соғлиғининг ҳолатига нисбатан белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шахслар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

умумий ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар;

чет эл фуқаролари бўлган шахслар.

## **2-боб. Танлов тадбирларини ташкил қилиш**

8. Танлов тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш учун Қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан доимий фаолият юритадиган Танлов тадбирларини ташкил этиш ва

ўтказиш бўйича қабул комиссияси (бундан буён матнда Қабул комиссияси деб юритилади) ташкил этилади.

9. Қабул комиссияси етти кишидан иборат мазкур Низомнинг 1-иловасида\* назарда тутилган таркибда шакллантирилади.

Қабул комиссиясининг йиғилишида узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафари, йўл-транспорт ҳодисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузиш, фарзанд туғилиши сабабли) қатнаша олмайдиган комиссия аъзосининг ўрнига комиссия раисининг рухсати билан масъул ходим таклиф этилади.

10. Танлов тадбирларининг шаффоф ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ихтиёрийлик асосида жамоат ташкилотлари вакиллари ва номзодларнинг яқин қариндошлари (бундан буён матнда жамоатчилик вакиллари деб юритилади) кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

Танлов жараёнларини видеотасвирга тушириб бориш Қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

11. Хизматга муносиб номзодларни танлаб олиш мақсадида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади, оммавий ахборот воситаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг расмий нашрлари, веб-сайтларида бўш лавозимлар тўғрисида, шунингдек танлов ўтказилишидан камида бир ой олдин танлов ўтказиш жойи ва кунлари тўғрисида эълонлар жойлаштирилади.

Жамоатчилик вакиллари танловларни реал вақт режимида (онлайн) кузатиб боришлари учун танлов тадбирлари видеокузатув (онлайн трансляция) остида ўтказилади.

12. Қабул комиссияси томонидан Қўриқлаш бошқармалари ҳудудига кириш жойларида танлов тартиби, номзодларга қўйиладиган талаблар ва қабул кунлари ҳақидаги маълумотлар қайд этилган электрон ахборот стендлари жойлаштирилиши лозим.

### **3-боб. Номзодни дастлабки ўрганиш**

13. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига ишга (хизматга) кириш истагини билдирган фуқаро доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойидаги Қўриқлаш бошқармасига мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади. Бунда, аризада номзоднинг паспорти ёки идентификация ID-картаси маълумотлари кўрсатилиши лозим.

Танлов тадбирлари бошланганидан кейин мурожаат қилган номзодлар ушбу танловда эмас, балки кейинги танловда иштирок этишлари мумкин бўлади.

14. Танловда қатнашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган номзодга Қабул комиссияси томонидан навбатдаги танлов бошланишидан ўн кун олдин танловнинг бошланиш вақти ва жойи ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабар берилади.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Номзод танлов тадбирларига узрли сабабларга (касаллиги, йўл-транспорт ходисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузиш, фарзанд туғилиши сабабли) кўра келмаган тақдирда Қабул комиссияси томонидан унга қўшимча танловда иштирок этишга рухсат берилади. Бунда, қўшимча танловнинг жойи ва кунлари тўғрисида улар ўтказилишидан камида уч кун олдин Қабул комиссияси томонидан номзодга ёзма ёки электрон шаклда хабар берилади.

15. Қабул комиссиясининг навбатдаги қабул куни давомида номзодларни дастлабки ўрганиш ишлари амалга оширилади.

16. Номзод дастлабки ўрганиш вақтида Қабул комиссиясига ўзини таништиradi ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни комиссия котибига кўрсатади.

17. Қабул комиссияси котиби саралаш учун ҳозир бўлган номзод ҳақидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклдаги Номзодларни рўйхатга олиш ва дастлабки ўрганиш натижасини қайд этиш журналига киритади.

18. Номзод мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган талабга жавоб беришини аниқлаш мақсадида Қабул комиссиясининг тегишли аъзоси томонидан унинг бўйи ўлчанади. Номзоднинг бўйи талабга жавоб бермаган ҳолларда, унга танловнинг кейинги босқичида иштирок этишга рухсат берилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига ишга (хизматга) кириш истагини билдирган номзод мустасно.

19. Қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодни дастлабки ўрганиш натижаларига кўра шу куннинг ўзида номзодни саралашнинг кейинги босқичига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Бунда:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган харбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари учун номзоднинг бўйи талабга жавоб берганда ҳамда номзод иш (хизмат)га кириш истагини билдирган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари учун номзод иш (хизмат)га кириш истагини билдирган ҳолларда Қабул комиссияси томонидан номзодни кейинги босқичга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

#### **4-боб. Номзод билан якка тартибдаги суҳбат ўтказиш**

20. Қабул комиссияси томонидан танловнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар билан якка тартибдаги суҳбат ўтказилади.

21. Номзодларга якка тартибдаги суҳбат ўтказиладиган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, калькулятор ҳамда бошқа телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

22. Якка тартибдаги суҳбат бошланишидан аввал Қабул комиссияси томонидан номзодга мазкур Низом талаблари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хизматни ўташ билан боғлиқ шартлар тушунтирилади.

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Якка тартибдаги суҳбат номзоднинг ақлий салоҳияти, хизмат ўташга руҳан тайёрлиги, киришимлилиги, шунингдек бошқа маънавий-ахлоқий ва касбий жиҳатдан муҳим хислатларга эга эканлигини аниқлаш мақсадида тарих, география, ҳуқуқшунослик ва тарбия фанлари бўйича билимларни ҳамда касбга оид умумий дунёқарашни баҳолаш орқали оғзаки савол-жавоб тарзида ўтказилади.

24. Ҳар бир номзод билан суҳбат якка тартибда ўтказилади.

25. Қабул комиссияси аъзолари томонидан якка тартибдаги суҳбатга кирган ҳар бир номзодга умумий ўрта, ўрта-махсус, профессионал таълим ўқув дастурлари доирасида жами 10 та савол берилади.

Номзод берилган саволларга уларга тайёрланиш вақтини ўз ичига олган ҳолда 15 дақиқада жавоб бериши лозим.

26. Қабул комиссияси томонидан номзоднинг саволларга берган жавоблари эшитилгандан сўнг, жавоблар даражасига қараб 100 баллик тизимда баҳоланади.

27. Номзодларнинг жавоблари қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

а) «Аъло» 86 — 100 балл учун номзоднинг билим даражаси қўйидагиларга жавоб бериши лозим:

саволнинг мазмун ва моҳиятини тўла очиб бериш;

жавобни мантиқий кетма-кетликда изчил ифодалаш;

саволни ёритишда мустақил ва ижодий фикрлаш;

саволни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш.

б) «Яхши» 71 — 85 балл учун номзоднинг билим даражаси қўйидагиларга жавоб бериши лозим:

саволнинг мазмун ва моҳиятини қисман очиб бериш;

жавобни мантиқий кетма-кетлиги ва изчиллиги қисман бузилган ҳолда ифодалаш;

саволни ёритишда ишончли далиллар ёки қисман норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш.

в) «Қониқарли» 55 — 70 балл учун номзоднинг билим даражаси қўйидагиларга жавоб бериши лозим:

саволнинг мазмун ва моҳиятини хатоларга йўл қўйган ҳолда қисман очиб бериш;

жавобни мантиқий кетма-кетлиги ва изчиллиги бузилган ҳолда ифодалаш;

саволни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилмаслик.

г) «Қониқарсиз» 0 — 54 балл билан номзод саволнинг мазмун ва моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган ва саволнинг жавобини билмаган ҳолларда баҳоланиши мумкин.

28. Номзод билан ўтказилган суҳбат якунида Қабул комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан номзодга қўйилган барча баллар масъул котиб томонидан умумлаштирилиб, берилган ўнта савол сонига бўлинади ва номзоднинг жами тўплаган ўртача бали аниқланади ҳамда умумий натижаси номзодга эълон қилиниб, унинг аудиториядан чиқишига руҳсат берилади.

29. Номзодларнинг якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича Қабул комиссияси котиби томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ шаклдаги қайднома расмийлаштирилади ва ушбу қайднома комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Номзод билан якка тартибдаги суҳбат натижасига кўра у камида 55 балл тўплаган тақдирда танловнинг кейинги босқичига ўтган деб ҳисобланади.

### **5-боб. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш**

30. Қабул комиссияси котиби томонидан якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган номзодларга шу куннинг ўзида ҳудудий тиббиёт бирлашмаларида тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

31. Номзод тиббий кўрик якунига кўра тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномани Қабул комиссияси котибига тақдим этади.

### **6-боб. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш**

32. Танловнинг якка тартибдаги суҳбат босқичидан муваффақиятли ўтган ва тиббий кўрикдан ижобий натижага эга номзодлар жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирида иштирок этади.

33. Жисмоний тайёргарлик синови номзоднинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

34. Қабул комиссияси котиби номзодни унинг тиббий кўрик натижалари эълон қилинган куннинг ўзида жисмоний тайёргарлик синови ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилади.

35. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирларни ўтказиш методикаси асосида амалга оширилади.

Бунда, номзодга ҳар бир машқни бажарганлик учун балл берилади. Умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 30 баллни ташкил этади.

36. Номзодлар томонидан машқларни бажариш бошланишидан олдин уларга машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари Қабул комиссияси аъзолари томонидан тушунтирилади.

37. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар эркак ва аёл жинсидаги номзодлар учун алоҳида белгиланади.

38. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида Қабул комиссияси аъзолари томонидан баҳоланади.

39. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 6-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва натижалар шу куннинг ўзида номзодларга эълон қилинади.

Бунда, қайднома Қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

\* 4 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

40. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан жами тўпланган балли 15 баллдан паст бўлган номзодлар танловдан ўтмаган ҳисобланади.

41. Танловда ғолиб бўлмаган номзодлар бўш (вакант) иш ўрни учун кейинги танловда номзод сифатида иштирок этиши мумкин.

### **7-боб. Номзодларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш**

42. Номзодларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Танлов тадбирларини ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

43. Қабул комиссияси қароридан норози бўлган номзодлар танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикояти беришлари мумкин.

Бунда, Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзодни шикоят кўриб чиқилишидан камида икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

44. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддат ичида кўриб чиқади. Бунда, апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзод мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

45. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Берилган овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Апелляция комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

46. Апелляция комиссияси танлов жараёнида номзоднинг берган жавоблари ва бажарган амалий машғулотларини улар акс этган видеотасвирларни кўриш орқали текширувдан ўтказди. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида номзодга уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

47. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

танлов натижаларига ўзгартириш киритиш ва номзод танловни муваффақиятли топширган деб топиш.

Апелляция шикоятини кўришда номзоднинг танловда олган натижасини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

\* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

48. Апелляция комиссияси апелляция шикоятни билан мурожаат қилган номзодга ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилади.

49. Апелляция комиссиясининг танлов натижаларига ўзгартириш кириштириш ва номзод танловни муваффақиятли топширган деб топиш тўғрисидаги қарори асосида у бўш (вакант) иш ўрни учун ишга тавсия этилган деб ҳисобланади.

50. Апелляция комиссияси қарори устидан номзод юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

### **8-боб. Номзодни иш (хизмат)га қабул қилиш**

51. Дастлабки ўрганиш, яқка тартибда суҳбат, номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашдан муваффақиятли ўтиб, энг юқори балл тўплаган ҳамда тиббий кўриқдан иш (хизмат)га яроқли деб топилган номзодлар мавжуд бўш лавозимлар сонини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилинади.

Дастлабки ўрганиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашдан муваффақиятли ўтиб, энг юқори балл тўплаган номзодлар мавжуд бўш лавозимлар сонини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилинади.

Бунда, номзодларнинг натижалари тенг бўлган тақдирда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичида юқорига натижа қайд этган номзод устунликка эга бўлади.

Агар номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичидаги натижалари ҳам тенг бўлган тақдирда Қабул комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 4-бобига асосан қўшимча суҳбат ўтказилади ва энг юқори натижа қайд этган номзод танлаб олинади.

52. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га кириш истагини билдирган номзодларга нисбатан Кўриқлаш бошқармаларининг кадрлар бўлинмаси масъул ходимлари томонидан шахсий ҳужжатлар йиғма жилди расмийлаштирилади.

### **9-боб. Яқуний қоида**

53. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 15-yanvardagi 3-mh-son “Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 15-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2547-6.***

2. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 28 декабрдаги 82-2023/Б-сон «Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларининг 218-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2024 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-6.***

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил 21 декабрдаги 343-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2024 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3491.***